УДК 37.013.77

КООПЕРАТИВ ТАЪЛИМ: ИМКОНИЯТЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Б.Х.Ходжаев., А.С.Калдибекова

Мақолада кредит-модул тизими шароитида кооператив таълимни ташкил этишнинг зарурати ва имкониятлари ёритиб берилган. Муаллифлар назарий материалларни таҳлил этиш асосида "кооперация", "кооператив ўқитиш", "кооператив таълим" тушунчалари моҳиятини очиб берган. Шунингдек, мақолада кооператив гуруҳларнинг ўзига хосликлари, уларни шакллантириш усуллари, шартлари ҳамда кооператив таълимнинг кенг қўллаш имкониятига эга методларининг моҳияти ва қўллаш усуллари баён этилган.

Калит сўзлар: *кооперация, ҳамкорлик, рақобат, кооператив ўқитиш, кооператив таълим, кооператив гуруҳлар, метод.*

В статье освещаются необходимость и возможности организации кооперативного образования в условиях кредитно-модульной системы. На основе анализа теоретических материалов авторы раскрывают сущность понятий «кооперация», «кооперативное обучение», «кооперативное образование». Также в статье описываются приемы, условия формирования кооперативных групп, а также сущность и приемы применения наиболее широко используемых методов кооперативного образования.

Ключевые слова: *кооперация, сотрудничество, конкуренция, кооперативное обучение, кооперативное образование, кооперативные группы, метод*.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг олдида турган асосий вазифаларидан бири мутахассислигини профессионал даражада эгаллаган ҳамда шахсий ижтимоий позициясини ва ўрганилаётган билимларга ўз муносабатини билдира оладиган, янги фикрлар, ғоялар, таклиф ва лойиҳаларни илари суришга қодир рақобатдош мутахассисларни тайёрлашдир. Бундай ёндашув таълимнинг анъанавий шаклларини интерфаол шакллар билан алмаштиришни талаб қилади. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, интерфаол ўқув моделидан фойдаланиш муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қаратилган реал вазиятларни моделлаштиришни ўз ичига олади. Талаба бундай ўқув жараёнида фаол иштирок этиб, ўзаро муносабатларнинг субъектига айланади. Шу билан бирга, ўқув жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тенглиги қоидаси сақланади.

Интерфаолликнинг янги даражаси кооператив таълимга хосдир. Кооператив таълимнинг аниқ тавсифини венгриялик олим, фалсафа фанлари доктори Сандра Л.Ренегар берган: "Ҳар биримиз алоҳида ўрганишдан кўра биргаликда ўргансак, биз кўп биламиз" [1].

Кооператив таълим – талабаларнинг гуруҳлардаги ҳамкорлигига асосланган таълим методи. Мазкур ёндашувга кўра талабалар бир-бири билан ўзаро ҳаракатда бўлиш орқали ўқишда ютуқларга эришишади [2. Б. 69].

Кооператив таълим – бу пухта тузилган ўқув фаолияти бўлиб, бунда талабаларга индивидуал ҳисса қўшиш, иштирок этиш ва таълим олиш учун шахсий жавобгарлик масъулияти юклатилади. Талабаларнинг ўзи ҳам жамоада ишлаш ва ўзаро биргаликда таълим олишга алоҳида эҳтиёж сезишади.

Кооператив ўқитиш – бу кичик гуруҳларда ўқув фаолиятини ташкил этиш бўлиб, бунда гуруҳ аъзолари ўқитишнинг максимал даражадаги самарадорлигига эришиш учун биргаликда ишлайди.

Кооперация – бу умумий вазифани бажаришга йўналтирилган ҳамкорлик иши. Кооператив фаолият доирасида гуруҳнинг барча аъзолари алоҳида ўзлари учун ҳам, яхлитликда бутун гуруҳ учун ҳам қулай ҳамда фойдали натижага эришишга интилишади. Демак, кооператив таълим ўқитиш жараёнида максимал самарадорликка эришиш учун кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишга асосланади.

Кооператив таълимни ташкил этиш ғояси ниҳоятда оддий. Ўқитувчи гуруҳни кичик гуруҳларга ажратади ва уларга топшириқ беради. Талабалар гуруҳнинг барча аъзолари берилган вазифани тўлиқ бажариб бўлгунига қадар топшириқ устида биргаликда ишлашади. Ҳамкорликдаги куч шунга олиб келадики, жараённинг барча иштирокчилари ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилишади: ҳар бири бошқасининг ютуқлари орқали ўзи ҳам муваффақиятга эришишни мўлжалга олади (*сенинг муваффақиятинг менга фойда келтирди, меники эса сенга*); гуруҳнинг барча аъзолари битта мақсад атрофида бирлашади (*ҳаммамиз битта қайиқда сузамиз ёки чўкиб кетамиз*); ҳар бир

киши фаолияти натижаси барчага ҳам тегишли (*биз сенсиз буни уддалай олмас эдик*); ғурур ҳисси ва ҳамкорликда ғалабага эришиш (*биз сени топшириқни муваффақиятли бажарганлигинг учун табриклаймиз!*). Кооператив таълим вазиятида талабаларнинг ижобий ўзаро алоқадор ютуқлари мавжуд. Шунинг учун талабалар ўз мақсадига эришиш гуруҳнинг бошқа аъзоларига ҳам боғлиқлигини яхши тушунишади.

Кооператив таълимнинг мақсади – командонинг ҳар бир аъзосини шахс сифатида янада муваффаққиятли ва кучли қилишга эришиш.

Хорижлик олимларнинг тадқиқотларида “кооперация” ва “рақобат” талабаларнинг фаолияти мақсади сифатида эътироф этилган. Д.Б.Миллернинг қайд этишича, кооперация вазиятида умумий мақсад мавжуд бўлиб, гуруҳларга тақсимланган талабаларнинг ҳаммасига вазифалар бўлиб берилади, рақобат вазиятида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси яхлит тарзда қўйилган мақсадги индивидуал эришиши талаб этилади [3].

М.А.Мей, Л.У.Дуба ҳам кооперация жараёнида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланган биргаликдаги умумий мақсаднинг мавжудлиги ва улар ўртасида дўстона муносабатларнинг қарор топишини қайд этиб ўтишади [4].

М.Мид кооперацияда умумий мақсадга эришиш юзага келади, рақобат жараёнида бошқалар худди шу вақтда эришишга интилаётган натижа изланади ва қўлга киритилади, деб ҳисоблайди [5].

Ч.Бернард “кооперация” ва “рақобат” тушунчаларини шахснинг биологик жиҳати билан боғлиқликда тушунтиришга ҳаракат қилиб, турли вазиятларда кишиларнинг имконияти биологик омиллар сабабли чекланган, кооперация эса уни бартараф этишнинг самарали методи сифатида юзага чиқади, деган хулосага келган [6].

Х.Б.Льюиснинг тадқиқотида “кооперация” ва “рақобат” тушунчаларида етакчи нуқтаи назар сифатида шахсни ўрганишга нисбатан психологик ёндашув юзага чиқиши таъкидланади. У кооперация ва рақобат инсондаги эгонинг ортиши ёки камайишининг намоён бўлиши, деган хулосага келган [7].

Хорижий тадқиқотларда кооперативнинг гуруҳий шаклининг имкониятларини очиб беришга алоҳида аҳамият қаратилган. Жумладан, Д.В.Жонсон, Р.Т.Жонсонлар талабаларнинг индивидуал ўқув-билиш фаолиятини кичик гуруҳларда биргаликда ишлаш билан уйғунлаштиришни таклиф этишган [8]. Д.де Фриз ва К.Эдвардс [9] ўқув-билиш фаолиятидаги талабаларнинг биргаликдаги фаолияти гуруҳий шаклини ташкил этишнинг ўйин усулларини баён этишган. С.Шаран, И.Шаранлар [10] қизиқишига кўра талабаларни гуруҳларга бирлаштириш масаласини тадқиқ этишган. Р.Е.Славин [11] дарс жараёнида талабаларни кичик гуруҳлар (4-5 кишидан иборат) га бўлиш асосида ўқув-материалини ўрганиш ва ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усулларини таклиф этди.

Э.Аронсон [12] нинг ғояларига мувофиқ ўқув-билиш фаолиятида талабаларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш жараёнида уларнинг гуруҳдаги ўзаро ҳаракатини ташкил этиш ҳар бир иштирокчининг дастлаб умумий топшириқнинг маълум бир қисми устида ишлаши, ўрганилган материални бир-бирига тушунтириши ва гуруҳнинг бошқа иштирокчиларига топшириқдаги ўз улушини бажаришига ёрдам бериши, ниҳоясида талабаларнинг қўйилган мақсадга эришишига имкон бериши талаб этилади.

Кооператив таълимнинг энг асосий элементларидан бири – бу таълим натижаларини ҳам гуруҳий, ҳам индивидуал баҳоланиши. Талабаларнинг кичик гуруҳлардаги ишини ташкил этиш жаҳон амалиётида янги ҳодиса эмас. Проект гуруҳлардан фойдаланиш Дьюи методикасининг муҳим таркибий қисмидир. Таълим мақсадига эришишда гуруҳий ишни ташкил этишга доир қатор тадқиқотлар Германия, Канада, Япония, Нигерия каби давлатларда, бироқ катта ҳажмдаги тадқиқотлар АҚШда амалга оширилган.

Р.Славин томонидан 1989 йилдаёқ мазкур технология турли давлатларда кенг фойдаланилганлиги, бироқ АҚШ педагоглари томонидан фойдаланиладиган кооператив таълимга нисбатан ёндашувлар Европа, Исроил ва Буюк Британия давлатлариникидан фарқ қилиши алоҳида қайд этиб ўтилган. АҚШда фойдаланиладиган кооператив таълим шакли – бу ўқув-билиш кўникмаларини такомиллаштириш, тушунчаларни шакллантириш, ахборотлар билан ишлашга асосланган структуралаштирилган ўқув фаолияти. Кооператив таълимнинг мазкур шаклида кўпинча бир неча ҳафта давомида мунтазам таркибга эга тўрт кишидан иборат гетероген гуруҳлардан фойдаланилади. АҚШда мазкур шаклдан фарқли равишда кооператив таълим структуралаштирилмаган мунозара ва гуруҳий лойиҳаларни ҳам ўзида акс эттиради. Гуруҳ таркиби бир лойиҳадан иккинчи лойиҳага ўтишда тез-тез ўзгаради ва мазкур ўқув фаолиятининг мақсади – маълум бир ўқув мазмуни ва кўникмаларини шакллантириш эмас, ижтимоийлашув ва танқидий фикрлашни ривожлантиришдир.

Ҳозирги вақтда турли давлатларда иккала ёндашувдан бир хил фойдаланилади, бироқ АҚШда кооператив таълимни ташкил этишда ўқув фаолиятини структуралаштириш ҳамда ўқув мазмуни ва кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Кооператив таълим доирасида кичик гуруҳлар-

ни шакллантиришнинг бир қанча усуллари мавжуд:

кооператив таълимнинг **норасмий гуруҳлари** – машғулотнинг асосий қисми бошланишидан бир неча дақиқа аввал ва бутун дарс давомида фаолият юритиш учун ташкил этиладиган вақтинчалик гуруҳлар. Бундай гуруҳлар тақдим этиладиган ўқув материалларига талабаларнинг диққатини жалб этиш, таълим олиш учун қулай муҳитни яратиш, ижобий кайфиятни ҳосил қилиш, ўқув материалининг ўзлаштирилишига ёрдам бериш, ўқитувчида талабаларни ўқув материаллари устида онгли ишлай олишига ишончни қарор топтириш мақсадида ташкил этиш учун яратилади. Ушбу гуруҳлар кўпинча янги мавзуни тушунтиришдан аввал ёки ўқитувчининг баёни жараёнида мунозара ўтказиш учун ташкил этилади. Норасмий гуруҳлар маърузанинг асосий муаммосига қарама-қарши ўлароқ, ташкил этилади: “Ахборот ўқитувчининг баёни ва талабанинг ёзишига асосланиб, англанмаган тарзда ўзлаштирилади”.

Кооператив таълимнинг **таянч гуруҳлари** – бу узоқ муддатли талабалар жамоаси бўлиб, асосий вазифаси академик ютуқларга эришиш учун талабаларни қўллаб-қувватлаш, рағбат уйғотиш ва ёрдам кўрсатишдан иборат. Таянч гуруҳлар ишни бажариш ва академик тажрибани эгаллашга шахсий заруратни юзага келтиради. Ушбу гуруҳлар таркиби яхлит курс давомида ёки ундан ҳам узоқ сақланиб қолади. Гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан кун тартиби ҳақидаги шахсий маълумотларни алмашиниб туришади, аудиториядан ташқари вақтда учрашишади. Агар талабада савол ёки ғоя пайдо бўлса, у гуруҳ билан бирга муҳокама қилиши мумкин. Таянч гуруҳлар одатда, курс бўйича ахборот алмашиш учун ишлар портфолиоси вазифасини бажаради.

Кооператив таълимнинг **расмий гуруҳлари** – норасмий гуруҳлардан ўзининг аниқ структурасига эгалиги, узоқ вақт давомида таркибининг ўзгармаслиги, мураккаб топшириқларни бажаришга йўналтирилганлиги билан фарқланади.

Кичик гуруҳларни тузишда қўйидагиларни эътиборга олиш керак:

1. Гетерогенлик тамойилига риоя қилиш.

2. Гуруҳларни тузишда талабаларнинг турли ўқув қизиқишлари, кўникма ва малакалари акс эттирилишига ҳаракат қилиш.

3. Талабаларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва психологик мувофиқлиги хилма-хиллилигини таъминлаш.

Кооператив таълим ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

Кооператив таълим технологияси ҳар бир талабанинг таҳсил олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришига, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлайди.

“Ўқитувчи – талаба” муносабатларидаги ҳамкорлик, бу фаолиятнинг бориши ва натижаларининг биргаликдаги таҳлили, маънавий дунёда бир-бирига самимийлик, ўзаро бир-бирини мустаҳкам тушуниш, катталар ва болаларнинг ҳамкорликдаги ривожлантирувчи фаолияти ғояси. Анъанавий таълим педагогик жараёнда ўқитувчининг субъект сифатида, талабани эса объект сифатида иштирокига асосланган. Бу қоида талаба ўз ўқув фаолиятининг субъекти ҳақидаги тасаввур билан алмашинади. “Талаба-талаба” муносабатлари ҳамкорликнинг турли шакллари (ҳамкорлик, бирга қатнашиш, бирга қайғуриш, бирга ижод қилиш, биргаликда бошқариш)да қабул қилинган умумий жамоа ҳаётий фаолиятида амалга ошади.

Таълим жараёнида ҳамкорлик педагогикасига таяниш – шахсга қаратилган таълим технологияларини қўллаш, талабада жамоавийлик, ўз ўртоқларининг ақлий ва ахлоқий фазилатлари билан фахрланиш, жамоа таркибида ўзининг муносиб ўрнига эгалиги билан ғурурланиш туйғусини тарбиялаш, уни жамоа аъзолари билан биргаликда фаол билим олишга ўргатиш демакдир. Талаба шахсига йўналтирилган таълимнинг истиқболли, устувор йўналишларидан бири – бу уларнинг умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш асосида ривожланишини таъминлашдир. Миллий ахлоқ тарбиясида маънавий-руҳий, миллий нафосат ва жисмоний тарбия ҳам таълим жараёнида устувор ўрин эгаллаши лозим. Бунда ўқув материали шаклида берилган таълимий матнлар, дидактик машқлар, ўқув топшириқлари ёрдамида талабаларга турли шаклда ахлоқий-маънавий тарбия ва миллий нафосат меъёрлари, умуминсоний қадриятларни сингдириш назарда тутилади.

Талабаларнинг ҳамкорликка киришишлари жараёнида уларга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш – ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири. Шу мақсадда танланган вазиятлар таъсирчанлиги, ҳаётийлиги, қизиқарлилиги, талабаларнинг ҳиссий оламига таъсир қила олиши, улар учун зарур амалий кўникмаларни шакллантириш имкониятига эга бўлиши, янги билимларни

ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, амалий жиҳатдан қўллашга кўмаклашиши лозим.

Талабаларнинг образли тафаккур қилиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда уларни биргаликдаги фаолиятни вужудга келиш жараёни билан таништириш керак. Бу жараёнда талабалар ҳамкорликка киришиш йўллари ва усуллари билан яқиндан танишади. Талабаларнинг шахсий тажрибаларини бойитишга йўналтирилган машғулотлар сўнгида улар билан якунловчи характердаги таҳлилий суҳбат ўтказиш талаб қилинади. Мазкур жараёнда талабалар ўзаро муносабатларини қандай ташкил этишлари, синфдошлари билан мулоқот жараёнида қандай қоидаларга амал қилишлари кераклиги ҳақида ўз фикрларини баён қиладилар. Бундай суҳбатлар жараёнида талабаларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир. Ўқитувчи талабаларни ҳар қандай ишни ҳамкорликда бажариш самарали эканлигига ишонтира олиши лозим. Шундагина талабалар муайян қарама-қаршиликлар вужудга келганда уни ҳамкорликда бартараф этишга ҳаракат қиладилар.

Кооператив таълим жараёнида ўқитувчи талабаларнинг дўстлашиши, бир-бирини тушуниши, мулоқотга киришишлари учун замин ҳозирлаши керак. Талабалар ўзаро баланд овозда гапирмасликлари, бир-бирига нисбатан яхши муносабатда бўлиш, зарур вазиятларда ўзларини тута билиш ва хатти-ҳаракатларини назорат қилишни таъминлаши муҳим. Талабаларда ҳаётий тажрибанинг етишмаслиги туфайли улар орасида ишчан, дўстона мулоқот ўрнатиш мураккаб кечади. Бунда ўқитувчи талабаларни ҳамкорликдаги фаолиятга жалб этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва қўллаши, уларнинг индивидуал хусусиятларини чуқур таҳлил қилиши ва ҳар томонлама ўрганиши керак.

Кооператив таълим вазиятини вужудга келтиришда ўқитувчи, биринчи навбатда, ўйин усулидан самарали фойдаланиши лозим. Бунинг учун ўқитувчи ҳам, талабалар ҳам зарур шахсий сифат ва кўникмалар билан қуролланган бўлишлари керак. Шунда улар вазиятларга ижобий ечим топа оладилар.

Кооператив таълим жараёнида талабаларда хушкайфият, табассум, раҳмдиллик, кўтаринкилик, қувонч, дўстона муносабатлар, мулоқотга киришувчанлик, қийин дақиқаларда бир-бирларига кўмаклашиш, кечира олиш, масъулиятлилик, ҳақгўйлик, бағрикенглик, тоқатлилик, тушуниш кабилар кузатилади. Машғулотлар якунида талабалар бир-бирини яхши билганликлари, яқиндан дўстлашганликлари, ўзлари ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўлганликлари, яхши сифатларни намоён қилганликлари, атрофдагиларнинг ўзларига бўлган муносабатларини аниқлаганликлари, ўзларига ташқаридан баҳо бериш имкониятига эга бўлганликлари, ижобий ҳамкорлик муҳитига эга эканликлари, ўзлари ва гуруҳдошларига нисбатан ишонч ҳиссини туйганликларини кузатиш мумкин.

Кооператив таълим жараёнида ўқитувчилар қуйидаги бир қатор вазифаларни ҳам самарали ечишга интилишлари лозим. Бундай вазифалар сирасига:

1) талабалар бир-бирига яхши сўзларни айтишлари учун қулай шароит яратиш, ўз олдиларига қўйилган саволларга ижодий ёндашган ҳолда жавоблар қайтаришини таъминлаш;

2) талабалар ўз гуруҳдошларини самимий тушунишлари учун имконият яратиш;

3) талабалар гуруҳи орасидаги совуқ муносабатни бартараф этиш;

4) талабалар орасида ўзаро ҳурмат муҳитини вужудга келтириш, уларнинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш.

Талабаларнинг ҳамкорликдаги таҳлилий фаолияти аналитик машқлар ва муаммоли топшириқларни бажариш жараёнида самарали ривожланади. Талабалар мулоқот жараёнида ўзаро диалогга киришадилар, муаммоларни муҳокама қиладилар, вазиятларни таҳлил этадилар, ўзлари ва гуруҳдошларининг ҳаракатларини баҳолайдилар, ўзаро тажриба алмашадилар, ўзларининг турли нуқтаи назарларини ўртага ташлайдилар, ижодий қувватларини фаоллаштирадилар.

Ўқитувчи таълим жараёнида кооператив таълим методларидан фойдаланиш мақсадида қуйидагиларни:

- қайси мавзуларни ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўрганиш мумкинлигини аниқлаши ва мазкур дарсларни тақвим-режада белгилаши;
- ушбу мавзу бўйича талабаларга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмаларни тайёрлаши;
- ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўтиладиган дарс тури, дарс структураси ва боришини лойиҳалаши;
- ўтган ва янги мавзулар юзасидан талабалар билимини назорат қилиш учун тест топшириқларини тузиши керак.

Мазкур методлардан фойдаланганда шуни назарда тутиш керакки, талабалар ўз шериклари билан ҳамкорликда ўқув топшириқларни тўғри бажаришлари баробарида гуруҳ аъзоларининг фаоллиги, ҳамкорликнинг вужудга келиши, улар ўртасидаги мулоқотда мулоқот маданияти тамойилларига амал қилиниши ҳам ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, гуруҳ аъзолари бир вақтнинг ўзида иккита топшириқни бажаради:

1. Академик топшириқ – билиш ва ижодий из-

ланиш орқали ўқув топшириқларидан кўзланган мақсадга эришиш;

2. Ижтимоий-психологик топшириқ – дарс давомида юксак мулоқот маданиятига эга бўлиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш;

Ўқитувчи ҳар иккала топшириқнинг юқори савияда бажарилишини назорат қилади.

Ўқитувчи таълим жараёнида кооператив таълим методларидан фойдаланиши учун ушбу технологиянинг ўзига хос хусусиятларига оид билим, кўникма ва малакаларни, талабаларнинг мустақил ишлари, ўқув баҳси ва мунозараларни самарали ташкил этиш йўлларини эгаллаган, талабаларда эса дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар устида мустақил ва ижодий ишлаш, ўз фикрини қисқа ва аниқ баён этиш, фикрларни асослаш ва далиллаш, мантиқий фикр юритиш, ўқув баҳси ва мунозараларда фаол қатнашиш кўникмалари шаклланган бўлиши лозим.

Талабаларнинг ҳамкорликка киришишлари жараёнида уларга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш – ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири. Шу мақсадда танланган вазиятлар таъсирчанлиги, ҳаётийлиги, қизиқарлилиги, талабаларнинг ҳиссий оламига таъсир қила олиши, улар учун зарур амалий кўникмаларни шакллантириш имкониятига эга бўлиши, янги билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, амалий жиҳатдан қўллашга кўмаклашиши лозим.

Кооператив таълимнинг самарали методларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ўқув турнири методи; индивидуал ўқишни жамоавий қўллаб-қувватлаш методи; “Америкача мозаика” методи; кооператив ўзаро биргаликда ўқитиш методи; гуруҳий тадқиқот методи; “кооп-кооп” методи; лаборатория методи; изланиш методи.

Ўқув турнири методи. Мазкур методнинг асосий тавсифи шундаки, яккалик турнирида янги материал ўрганилганидан сўнг бир хил ўзлаштириш кўрсаткичига эга турли командадаги талабалар учрашишади. Қоидага мувофиқ бундай турдаги турнирлар катта ҳажмдаги ўқув материаллари ўрганилганидан сўнг ҳафтада бир марта ўтказилади. Турнирни ўтказиш тартиби қуйидагича: турли командадаги талабалар ўзлаштириш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинишади: кучлилар – биринчи кичик гуруҳ, ўртача ўзлаштирганлар – иккинчи кичик гуруҳ, паст ўзлаштирганлар – учинчи кичик гуруҳ. Ҳар бир гуруҳ тескари томони билан столда ёйиб қўйилган саволлар ёзилган 30 та рақамланган карточкаларни олишади. Кичик гуруҳдаги ҳар бир талаба навбати билан карточкани танлайда ва унда ёзилган саволларга жавоб беради. Жавобни оғзаки ёки ёзма бериш мумкин. Гуруҳнинг бошқа аъзолари унинг жавобини баҳолайди, масалан, муқобил шкала бўйича тўғри (1 балл) ва нотўғри (0 балл). Баҳсли вазият юзага келганда талабалар ўқитувчидан ёрдам сўрайди. Ўртача ҳар бир талабага учтадан карточка тўғри келади. Шунинг учун ўқитувчи турни ўтказиш учун уч хил мураккаблик даражасидаги 90 та карточка тайёрлаши керак бўлади. Турнир тугаганидан сўнг талабалар ўзларининг командасига қайтади ва тўпланган баллар жамланади. Бошқалардан кўпроқ балл тўплаган команда ғолиб бўлади.

Жамоавий ютуққа эришиш бўйича ўқитиш методи. Мазкур методнинг қўллаш тартиби қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: маъруза – матн устида гуруҳий иш – индивидуал мустақил иш. Ҳар бир машғулотни бошлашдан аввал ўқитувчи командалар бажарадиган индивидуал топшириқлардан келиб чиқиб, мавзу бўйича қисқача шарҳловчи маъруза қилади. Маъруза тушунарли ва бир пайтнинг ўзида амалий йўналтирилган бўлиши лозим. Бунинг учун кўргазмалилик, моделлаштириш ва ўқув тажрибаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Кейин талабалар командада таянч конспект устида ишлашади, унинг мазмунини тушуниб олиш учун бир-бирига ёрдам беради. Таянч конспектлар аввалдан кўпайтириб қўйилади ва ҳар бир команда кераклi нусхада уни олишади. Талабалар ўзлари учун тушунарсиз бўлган ҳолатлар бўйича бир-бирларига саволлар беришлари мумкин. Ўқитувчига саволлар билан мурожаат қилишга фақат команданинг ҳеч бир аъзоси берилган саволга жавоб бера олмаганда мурожаат қилишга рухсат берилади. Таянч конспект ўзлаштириб бўлинганидан сўнг команданинг ҳар бир аъзоси индивидуал ишни бажаради. Мазкур босқичда бир-бирига ёрдам бериш тақиқланади, команданинг ҳар бир аъзоси мустақил ишлайди. Мазкур методнинг асосий ўзига хослиги индивидуал ишни баҳолаш тизимида намоён бўлади. Баҳолаш натижаларнинг ўзгариб боришини қиёслаш асосида амалга оширилади: талабалар агар унинг бажарган иши учун баҳоси аввал баҳоланган ишникидан ўртача юқори бўлса, командасига қўшимча балл олиб келиши мумкин. Ўрганилган мавзу якуни бўйича кўпроқ балл тўплаган команда ғолиб ҳисобланади: рағбатлантирилади ва ғолиблар махсус доскасига ёзиб қўйилади.

“Америкача мозаика” (Jigsaw) методи қуйидаги тарзда амалга оширилади: гетероген асосда 4-6 кишидан иборат командалар шакллантирилади. Янги ўқув материали команданинг ҳар бир аъзосига тақсимланадиган 4-6 қисмга бўлинади ва ҳар бир талаба ўзига берилган қисмни мустақил ўрганади. Кейин ўқув материалининг бир хил қисмини ўрганган турли команда аъзолари 10-15 минутлик муҳокама учун йиғилишади. Шундай сўнг улар ўзларининг командасига қайтади

ва уларнинг ҳар бири ўқув материалининг ўзига берилган қисми мазмунини мантиқий изчилликда команданинг бошқа аъзоларига тушунтиради. Ҳар бир талабанинг ўқув материалини ўзлаштириш даражаси барча янги материаллар бўйича индивидуал мустақил ишлари натижалари асосида баҳоланади. Салмоқли балл тўплаган команда ғолиб бўлади.

Кооператив ўзаро биргаликда ўқитиш методи мустақил ишларни ўзаро биргаликда назорат қилиш, уй вазифаларини биргаликда бажариш, ўрганилаётган материални бир-бирига айтиб бериш, хатоларни биргаликда тузатиш, имтиҳонларга биргаликда тайёргарлик кўриш воситасида талабаларнинг мунтазам ўзаро бир-бирига ёрдам бериши ва бир-бирини қўллаб-қувватлашига асосланади. Ўзаро ҳамкорликда ўқитишда кооператив таълимнинг асосий қоидаларига риоя қилинади. Мазкур метод ўқув гуруҳлари ишини ташкил этишнинг турли шаклларида қўлланилади: расмий (аниқ ўқув вазифаларни ҳал этиш учун махсус мезонлари бўйича шакллантирилган), норасмий (ўз хоҳиши, дўстлик ёки бир партада ўтирганларни бирлаштириш), таянч (семестр давомида узоқ муддатли ўқув вазифаларни бажариш учун шакллантирилган).

Гуруҳий тадқиқот ўтказиш методи. Мазкур методнинг ўзига хослиги ноформал белгиси бўйича шакллантирилган командалар гуруҳий маърузалар тайёрлаш ва бутун гуруҳ олдида чиқиш мақсадида мавзу билан боғлиқ маълум бир масалалар тадқиқ қилинади. Мавзу бўйича масалалар командалар ўртасида шундай тақсимланадики, тақдимотлар қилиш жараёнида янги мавзуга доир барча ўқув материаллар қамраб олинишига эришилади. Команданинг ичида ҳар бир талаба материаллар тўплаб масаланинг ўзига берилган қисмини тадқиқ этади, уни гуруҳга тақдим этади ва тўпланган материалар асосида гуруҳнинг умумий маърузаси тайёрланади. Тайёрланган маърузалар ва тақдимотлар асосида ҳар бир командага гуруҳий баҳо қўйилади.

“Кооп-кооп” методи. Мазкур метод мазмунига кўра гуруҳий тадқиқот методига жуда яқин, бироқ фақат бир жиҳат билан фарқ қилади: гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзи тайёрлаган материални шунчаки командаги тақдим этиб қўймайди, уларга мини-маъруза қилиб беради. Команданинг якуний маърузаси шакллантириб бўлинганидан сўнг гуруҳ спикери дастлаб командаси учун чиқиш қилиб беради ва шундан кейин (гуруҳ аъзолари ва ўқитувчи томонидан киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олиб) гуруҳ учун тақдимот қилиб беради. Бунга қўшимча равишда талабалар барча мавзулар бўйича индивидуал мустақил ишларни бажаришади. Гуруҳнинг якуний баҳоси ўз ичига маъруза учун умумий ва мустақил иш учун индивидуал балларни қамраб олади.

Лаборатория методи. Агар гуруҳда, масалан, 32 нафар талаба мавжуд бўлса, у ҳолда талабалар 1 дан 8 гача саналади, кейин “биринчи”, “иккинчи”, “саккизинчи” кичик гуруҳлар шакллантирилади. Ўқитувчининг мақсади тасодифий асосларга кўра гуруҳларга бўлиниш учун дўстона ва самарали ўқув муҳитини яратишдан иборат. Айнан шунинг учун мазкур гуруҳларда ишни ташкил этишни гуруҳ аъзоларининг қизиқишларини аниқлаштириш, умумий мақсадни излаб топиш, командада ишлаш истагини ҳосил қилишдан бошлаш лозим. Мазкур метод кооператив таълим шароитида ишлай бошлаган ўқитувчиларни тайёрлаш учун тавсия этилади.

Изланиш методи. Мазкур методнинг ўзига хослиги бирон-бир амалий йўналтирилган ўқув вазифасини ҳал этиш ёки амалий лойиҳани бажариш бўйича изланувчи талабалар гуруҳини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни амалга ошириш муаммоли топшириқларни ишлаб чиқиш ва кичик гуруҳларга изланишли фаолиятда тўлиқ мустақиллик беришни талаб этади. Айнан шунинг учун эркин тарзда гуруҳ шакллантиришга рухсат этилади. Мазкур гуруҳларнинг мақсади – ижодий, ихтирочилик ёндашувини талаб этувчи мини-тадқиқотлар ўтказиш, эмпирик материаллар тўплаш, тадқиқот натижаларини статистик таҳлил қилиш, олинган натижаларнинг янгилигини аниқлаштириш, тадқиқотни маъруза кўринишида расмийлаштириш ва ниҳоят турли фан ўқитувчилари, талабалардан тузилган махсус эксперт кенгаши ҳузурида тадқиқот натижаларининг асосий қоидаларини “ҳимоя қилиш” жараёнини амалга оширишдан иборат.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириш асосида кооператив таълимнинг қуйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. **Ижобий маънодаги ўзаро бир-бирига боғлиқлик** (positive interdependence): жамоа аъзолари ўз мақсадига эришиш учун бир-бирига таяниб иш кўриши талаб қилинади.

2. **Шахсий жавобгарлик** (personal accountability): жамоанинг барча аъзолари ишнинг ўзига берилган қисми учун масъул, яъни жамоанинг муваффақияти унинг ҳар бир аъзосининг индивидуал ишига боғлиқ.

3. **Жамоада ишлаш кўникмалари** (appropriate collaborative skills): талабаларда қуйидаги кўникма ва малакаларни ривожлантириш рағбатлантирилади ва мотивлаштирилади: ўзаро ишонч, лидерлик, қарор қабул қилиш, мулоқотчанлик, низоларнинг олдини олиш.

4. **Жамоавий ўзаро биргаликдаги ҳаракат** (group processing): гуруҳ аъзолари мақсадни бир-

галикда аниқлаштиришади, жамоанинг фаолиятини доимий баҳолаб боради, келгусида унинг ишини яхшилаш учун жамоавий ишдаги камчиликларни аниқлайди ва бартараф этади.

5. **Гетероген гуруҳлар** (heterogeneous groups): ҳар бир талаба гуруҳдаги бошқа аъзолар билан ишлаш орқали фойда кўради.

Шуни таъкидлаш керакки, гуруҳларни шакллантириш ва уларга тегишли вазифаларни беришнинг ўзи муваффақиятга эришиш учун етарли эмас. Асосий моҳият шундаки, талабаларнинг мустақил таълим олиш жараёнини оқилона ташкил этишга эришиш лозим. Шунинг учун талабаларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш ишни ташкил этиш, шарт-шароитларни яратиш ва методикадан ҳам муҳимроқдир.

Тадқиқот натижалари кооператив таълим технологияси талабаларнинг кўникма ва малакаларини ривожлантириш, шунингдек, касбий компетенциялар тизимини шакллантиришда қатор имкониятларга эга эканлигини кўрсатди:

1) юқори академик ютуқларга эришиш;

2) чуқур мулоҳазага асосланган қарорлар, асосли далиллар, масала моҳиятини чуқур тушуниш ва танқидий фикрлаш;

3) билишга, таълим олишга юқори мотивация;

4) вазиятни ҳар томонлама кўра олиш қобилияти;

5) ижтимоий ҳолатидан қатъий назар, шериклар билан ижобий муносабатда бўлиш, ўзаро бир-бирини тушуниш;

6) ўқитувчига ижобий муносабат;

7) психологик соғлом муҳит;

8) ўз-ўзига берадиган баҳонинг юқорилиги;

9) ижтимоий компетенцияларни жадал таркиб топтириш.

Адабиётлар

1. *Sandra L. Renegar.* All of us Know more than each of us: cooperative learning in higher education // Active Learning Strategies for the Higher Education. – JATEPress, Szeged, 1997. – Pp. 47 – 57.

2. *Инақов Қ.Қ.* Ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Наманган, 2019. – 142 б.

3. *Maller J.B.* Co-operation and Competition: An Experimental Study in Motivation / J.B. Maller. – Teach. Coll., 1929. – 432 p.

4. *May M.A., Doob L.W.* Competition and Cooperation. – New York: Social Science Research Council, 1997. – 278 p.

5. *Mead M.* Cooperation and Competition Among Primitive People. – McGrawHill, 1997. – 320 p.

6. *Barnard C.I.* The Functions of The Executive. – Harvard, 1938. – 384 p.

7. *Lewis H.B.* An Experimental Study of the Role of Ego in Work. I. The Role of the Ego in Cooperative Work // Journal of Experimental Psychology. 1994. – № 34. – Pp. 113 – 127.

8. *Johnson D.W., Johnson R.T.* Cooperation and the use of technology. In J. M. Spector, M. D. Merrill, J. van Merrienboer, & M. Driscoll (eds.), Handbook of research on educational communications and technology. – New York: Taylor & Francis, 2008. – Pp. 1017 – 1044.

9. *DeVries D., Edwards K.* Learning games and student teams: Their effects on classroom process // American Educational Research Journal. – 1993. – №10. – Pp. 307 – 318.

10. *Sharan S., Sharan Y.* Small group-teaching // Englewood Cliffs, NJ: Educational Technology Publications, 1996. – 237 p.

11. *Slavin R.E.* Student teams and comparison among equals: Effects on academic performance and student attitudes // Journal of Educational Psychology. Vol. 70. 1978. – Pp. 532 – 538.

12. *Aronson E., Blaney N., Stephan C., Sikes J., Snapp M.* The jigsaw classroom. Beverly Hills: Sage Publications, 1978. – 197 p.

COOPERATIVE EDUCATION: OPPORTUNITIES AND ADVANTAGES

B.Kh.Khodjaev[1], A.S.Kaldibekova[2]

Ilmiy xabarnoma. Seriya. Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 2(46). 15 – 22.

[1, 2]Tashkent State Pedagogical University, Tashkent, 100070, str. Bunyodkor shoh, 27 (Usbekistan). E-mail: info@tdpu.uz

Keywords: *competence, competency, cognition, activity, cognitive activity, cognitive competence, cognitive competency, component.*

The article highlights the need and opportunities for the organization of cooperative education in the conditions of credit-module system. The authors reveal the essence of the concepts of “cooperation”, “cooperative teaching” and “cooperative education”, which is based on the analysis of theoretical materials.

Cooperation is a collaborative work aimed at fulfilling a common task. Within the framework of cooperative activity, all members of the group strive to achieve a convenient and useful result, both for themselves individually and for the group as a whole.

Cooperative teaching is the organization of learning activities in small groups, in which group members work together to achieve the maximum teaching effectiveness.

Cooperative education is a well-organized educational activity, in which students are given personal responsibility for individual contribution, participation and learning. Students themselves feel a special need to work in a team and get education together.

Also, the following methods of forming cooperative groups are identified in the article:

- formal groups. They differ from informal groups in that they have their own clear structure, which does not change over time, and that they are focused on performing complex tasks.

- informal groups. They are temporary groups formed to work a few minutes before the start of the main part of the lesson and throughout the lesson;

- base groups. They are long-term student teams, whose primary task is to support, motivate and assist students to attain academic achievement.

In the article, the following principles are set out for the formation of small groups:

1) adherence to the principle of heterogeneity;

2) trying to reflect different learning interests, skills and abilities of students in the formation of groups;

3) ensuring the diversity of socio-psychological characteristics and psychological compatibility of students.

In addition, the essence and ways of application of methods of cooperative education with opportunities of wide use such as training tournament, collective support of individual learning, “American mosaic”, cooperative mutual teaching, group research, “coop-coop”, laboratory and research are described.

It should be noted that forming groups and assigning them appropriate tasks alone is not enough to achieve success. The main thing is to achieve a rational organization of the process of independent learning of students. Therefore, the promotion of independent learning activities of students is more important than the organization of the work, creation of conditions and methodology.

The results of the study make it possible to conclud that the technology of cooperative education has a number of opportunities for the development of skills and abilities of students, and the formation of a system of professional competences. The ideas and approaches put forward in the article are of practical importance.

References

1. Sandra L., Renegar. (1997) All of us Know more than each of us: cooperative learning in higher education. *Active Learning Strategies for the Higher Education*. JATEPress, Szeged. Pp. 47-57.

2. Inokov, K.K. (2019) Hamkorlik pedagogikasi asosida ta’lim-tarbiya sifatini takomillashtirish [Improving the education quality on the basis of collaborative pedagogy]. Dissertation of the doctor of philosophy (PhD) in pedagogical sciences. Namangan.

3. Maller, J.B. (1929) *Co-operation and Competition*: An Experimental Study in Motivation. Teach. Coll.

4. May, M.A., Doob, L.W. (1997) *Competition and Cooperation*. New York: Social Science Research Council.

5. Mead, M. (1997) *Cooperation and Competition Among Primitive People.* McGrawHill.

6. Barnard, C.I. (1938) *The Functions of The Executive*. Harvard.

7. Lewis, H.B. (1994) An Experimental Study of the Role of Ego in Work. I. The Role of the Ego in Cooperative Work. *Journal of Experimental Psychology.* No 34. Pp. 113-127.

8. Johnson, D.W., Johnson, R.T. (2008) Cooperation and the use of technology. In J.M.Spector, M.D.Merrill, J.van Merrienboer, & M. Driscoll (Eds.), Handbook of research on educational communications and technology. New York: Taylor & Francis. Pp. 1017-1044.

9. DeVries, D., Edwards, K. (1993) Learning games and student teams: Their effects on classroom process. *American Educational Research Journal.* No 10. Pp. 307-318.

10. Sharan, S., Sharan, Y. (1996) *Small group-teaching. // Englewood Cliffs*, NJ: Educational Technology Publications.

11. Slavin, R.E. (1978) Student teams and comparison among equals: Effects on academic performance and student attitudes. *Journal of Educational Psychology.* Vol. 70. Pp. 532-538.

12. Aronson, E., Blaney, N., Stephan, C., Sikes, J., Snapp M. (1978) *The jigsaw classroom.* Beverly Hills: Sage Publications.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич – Тошкент давлат педагогика университети умумий педагогика кафедраси профессори. E-mail: yaxshifarzand@mail.ru

Калдибекова Анаргул Сотбаровна – Тошкент давлат педагогика университети умумий педагогика кафедраси профессори. E-mail: anargul1960@mail.ru